2022 йил «07» 01 даги
13-06/22 сон шартномага
ИЛОВА

**Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари**
**РЎЙХАТИ**

**Фаолият тури:** Бюджет (Касб-ҳунар мактаби)

**Кадастр №** 2 3 1 6 0 2 0 1 0 1 0 0 9 8

**Табиий газ тарифи** 660 **сум** 00 **тийин**

| т/р | Корхона, участка, цех номи | Агрегатлар | | Лойиҳавий газ сарфи, м.куб/соат | Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари |
|---|---|---|---|---|---|
| | | номи | сони | | |
| 1 | КХМ | КОГн-100 | 2 | 11.3 | Пранч-М.G25 |
| | | КОГн-100 | 2 | 11.3. | Принц-М-G-25 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Келишилган:**

**Етказиб берувчи**
**Раҳбар** ______ **(Ф.И.Ш.)**
Имзоси ______
Муҳр ўрни

**Истеъмолчи**
**Раҳбар** Ф. Шукуров **(Ф.И.Ш.)**
Имзоси ______
Муҳр ўрни

Ижрочи ______ (Ф.И.Ш.) Юсупов

---

HUDUDGAZTA'MINOT
HGT AKSIYADORLIK JAMIYATI

**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш**
**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил 07 01 13-06/22 сон Беруний
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Беруний Туман №2 сон Касб-ҳунар мактаби (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Ф. Шукуров ______ бир томондан ҳамда Низом ва 2022 йил "07" 01 да берилган 01-19-13/06 сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи "Қорақалпоғистонгаз" (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари Х. Ниманов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани тузидлар:

**I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эхтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 1000 куб.м, нархи 660000 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак 25000 минг.м3, январь 8333, февраль 8333, март 8334.
II чорак ______ минг.м3, апрель ______, май ______, июнь ______.
III чорак ______ минг.м3, июль ______, август ______, сентябрь ______.
IV чорак ______ Минг м3, октябрь ______, ноябрь ______, декабрь ______.